Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
30 июль
ШАНБА

№ 60
(12.384)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

# БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!



**Паркент не-не синоату биз билган-билмаган маънавий-маданий бойликларни бағрида сақлаётган гўша. Ҳали тилсимлари тўла очилмаган виқорли тоғлар этагидаги замин. Унда асрларга бориб тақаладиган кўҳна тарих, қўзғалмас, пойдор тошлар остига яширинган мўъжизалар, одамларга соғлиқ улашмоқ учун оққан булоқлар, муқаддас мақбараю зиёратгоҳлар бисёр.**

**Илҳақ шу гўшанинг фарзанди, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир:**

***Ой бизнинг қишлоқда ерга яқиндир,***
***Қуёш ҳам тоғларни ўпиб юз очар.***
***Паркент осмонида юлдуз учса гар***
***Қирларнинг кўзидан уйқулар қочар,***

**дея лутф қилганда туманнинг гўзаллигини, тўрт фаслда ўз кўрки, тароватига эга нафислигини айтмоқчидир. Балки, унинг хушҳавоси, кишини ўзига ром этадиган сўлим табиатини шеърга солгандир. Ҳар ҳолда, ушбу мисраларда бетакрор ўлкани идрок этиш ва унга дахлдорлик туйғуси жўш ураётгани шубҳасиз.**

**Шоир ўзининг:**

***Момоларин алласи тошларни ҳам балқитар,***
***Қирқ кокилли қизлари қароғингиз қалқитар,***
***Паркентда бир бор бўлган минг бир***
***дардни унутар,***
***Бобурга болиш бўлган атри булоқ чаман бу,***
***Ҳофиз Кўҳакий суйган жаннат жамол Ватан бу,***

**каби шеърий мисраларида буюк алломаю авлиёлар ўтган гўшанинг улуғ ва муқаддаслигини, унинг ҳар қарич ери саждагоҳ эканини мадҳ этади.**

## Паркент:

# ҚУЁШ ТОҒЛАРНИ ЎПИБ, ЮЗ ОЧАР БУНДА

### *1. Сайёҳларбоп йўлларию тилни ёрар узумлари билан машҳур замин*

Ҳар не бўлганда ҳам Паркентни ҳақиқатга айланган афсона дея таърифласак муболаға бўлмас.

Бу серқуёш ўлканинг ўзига хос уйғунлиги ва жозибаси юракларга завқ бахш этади. Паркент ўзининг сайёҳларбоп тоғли йўллари билан машҳур. Шунингдек, у Заркент ота, Масжид Али бува, Саид ота, Бобо Мочин, Бухангар бува каби муқаддас қадамжолари билан ҳам донг таратган.

– Заркент ота тарихий мажмуасига биринчи бор келишим, – дейди ҳиндистонлик сайёҳ Ражив Кханна. – Зиёратгоҳдаги дарахт, буталарга булбулдан бошқа қуш қўнмаслигини эшитиб, ишонмагандим. Аммо сафарим давомида бунга шахсан амин бўлдим. Ўзбекистон аталмиш диёрнинг Паркент каби тарихий-меъморий қадриятларга бой гўзаллиги мени ўзига мафтун этди.



Туман пойтахтдан 48 километр шарқда бўлиб, Тянь-Шань, Чотқол тоғ тизмаларининг ғарбий этагида жойлашган. Шунингдек, жануби шарқдан Оҳангарон, ғарбдан Юқори Чирчиқ, шимолдан Бўстонлиқ туманлари билан чегарадош. Унинг Заркент, Номданак, Сўқоқ, Чанги, Ҳисарак, Бойқозон, Бўстон, Кумушкон, Чотқол, Навбаҳор, Аччисой, Гулбоғ каби қишлоқлари гўзал, фусункор, файзли. Бундан ташқари, туманда "Сўқоқ", "Кумушкон", "Сумча", "Қизилсой" сингари дам олиш масканлари, ўндан ортиқ болалар соғломлаштириш оромгоҳлари жойлашган. Аҳолисининг 78,5 фоизи ўзбек, 13,2 фоизи тожик, 4 фоизи қозоқ ҳамда 2 фоизи қирғизлар. Улар асрлар давомида тинч-тотув, аҳил-иноқликда кун кечиришмоқда.

Ҳудуди 108 минг квадрат километр бўлган туман асосан, қишлоқ хўжалигига ихтисослашган. 61 минг 640 гектар ер қишлоқ хўжалигига бириктирилган бўлиб, шундан 15 минг 400 гектари ҳайдаладиган, 14 минг 668 гектари суғориладиган, қолгани лалмикор ерлардир.

Қишлоқ хўжалиги туман ишлаб чиқаришининг етакчи соҳаси ҳисобланади. Туман лалмикор ерларда бошоқли дон етиштиришда илғорлар қаторида туради. Ғаллачиликда 210 та, боғдорчилик бўйича 738 та, чорвачиликда эса 97 та фермер хўжаликлари фаолият юритмоқда. Шунингдек, 67 та паррандачилик, 27 та асаларичилик билан шуғулланувчи фермер хўжаликлари бор.

Дарвоқе, Паркент ўзининг ширин-шакар узумлари билан ҳам алоҳида эътироф этилади. "Байналминал плюс", "Яккатут", "Фазлиддин", "Рўзимат ота" фермер хўжаликлари раҳбарлари узумчиликни яхши тушунадиган деҳқонлардан.

– Узумзор оралаб юриб, машаққатли меҳнатингиз ҳосилини кўрганингизда, чеккан заҳматларингизнинг барчаси эсдан чиқади, – дейди "Байналминал плюс" фермер хўжалиги раҳбари Ботир Расулов. – Бу завқ келажакда янада яхшироқ меҳнат қилишга ундайди, ғайратингизга ғайрат қўшади. Истиқлол шарофати билан деҳқонларга кўрсатилаётган эътибордан бошим осмонга етди. Негаки, озгина кўмак, озгина рағбат фермер кўнглини тоғдек кўтаради. У халқи, юртнинг тўкин-сочинлиги йўлида тинимсиз меҳнат қилаверади.

Дарҳақиқат, 34 гектар майдонда хўраки, паркент гўзали – қора кишмиш каби сархил узум етиштириб, нафақат вилоят, балки республикамиз бозорларини таъминлаётган фермернинг гапида жон бор.

Истиқлол – барча жабҳаларда янгиланишлар сари йўл очди. Энг муҳими, мустақилмиз, ўз фикр, ўз қарашларимизга, эгамиз.

– Ўн беш йилдан бери узумчилик билан шуғулланаман, шукрки, камим йўқ, – гапида давом этди фермер. – Салкам 50 кишига бошман. Биргаликда тер тўкиб, маҳсулотимизни мамлакатимизнинг олис-яқин бозорларига сотаяпмиз. Ҳам кўплаб экспорт қилаяпмиз. Россия, Қозоғистон ва бошқа қўшни давлатлар бизнинг харидоримиз. Юртбошимиз биз фермерларга яратиб бераётган шарт-шароитлардан фойдаланиб, банкдан имтиёзли кредит олишни, ишни янада кенгайтиришни мўлжаллаяпман.



СУРАТЛАРДА: туманнинг ишлаб чиқариш салоҳияти кундан-кунга ўсмоқда; тиббиёт бирлашмасига қарашли «Заркент» қишлоқ врачлик пункти аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда.

# ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

## ОЛМАЛИҚ ШАҲРИ

### ҚУТЛУҒ КУН ТАДОРИГИ

**Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги олдидан бир қатор шаҳар ва туманларимизда "Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!" шиори остида тадбирлар ўтказилмоқда.**

"Металлург" маданият саройида "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" ОАЖ ва саноат касб-ҳунар коллежи ҳамкорлигида шундай байрам нишонланди. Нотиқлар Ватанимизнинг 20 йиллик мустақил тараққиёт йўли – ривожланиш ва юксалиш босқичлари, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнига эга бўлаётгани, эришилган ютуқлар ҳақида гапиришди.

Фаол иштирокчилар фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

## ЗАНГИОТА ТУМАНИ

### ЁШ ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

**"Ёш тадбиркор давлат ҳимоясида" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида уй бекалари, хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш учун турли муассаса, банклар томонидан катта моддий кўмак кўрсатилаётганлиги алоҳида таъкидланди.**

Қолаверса, ўз салоҳияти ва маҳоратини кўрсатиш ниятида бўлган ёш тадбиркорлар учун яратиб берилаётган имтиёзлардан фойдаланиш йўллари кўрсатиб ўтилди. Ёш тадбиркорлар бунга жавобан яна ҳам фаолроқ ишлашга, кўрсатилаётган ишончни оқлашга ҳаракат қилажакларини билдириб ўтишди.

## ЎРТА ЧИРЧИҚ ТУМАНИ

### ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА МУСОБАҚА

**Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ЁИҲ вилоят кенгаши, ички ишлар, маданият ва спорт ишлари бошқармалари, Болалар спортини ривожлантириш , "Маҳалла" хайрия жамғармалари вилоят футбол федерацияси билан ҳамкорликда ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежи марказий ўйингоҳида минифутбол бўйича "Камолот" келажаклари" вилоят мусобақасини ўтказди.**

1997-1999 йилларда туғилган болалар иштирокидаги баҳсда қизлар ўртасида биринчи ўрин Чирчиқ шаҳар жамоасига насиб этди. Ўғил болалар ўртасида биринчи ўринни эса, Оққўрғон жамоаси эгаллади. Ғолиб ва совриндорларга эсдалик совғалари тарқатилди.

## ЧИНОЗ ТУМАНИ

### КЕЛАЖАГИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

**Марказий ўйингоҳда "Биз – ёшлар соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз", "Келажагимиз ўз қўлимизда" шиорлари остида фестиваль бўлиб ўтди.**

Иштирокчилар чекиш ва гиёҳвандликнинг олдини олишга қарши курашиш мавзуидаги саҳна томошаларини намойиш этишди.

Фестивалда "Камолот" ЁИҲ томонидан ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш мақсадида турли викторина, савол-жавоблар ташкил қилинди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

# ТУМАНДА МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

**Чиноз туманидаги касб-ҳунар коллежи битирувчилари ва ишсиз фуқароларни иш билан таъминлаш бўйича туман ҳокимлиги, прокуратураси ва бандликка кўмаклашиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан ташкил этилган меҳнат ярмаркаси муваффақиятли якунланди.**

2010-2011 ўқув йилида 4 та касб-ҳунар коллежини 27 та йўналиш бўйича жами 1368 нафар талаба битирди. Бўш иш ўринлари ярмаркасида тумандаги 120 та корхона ва ташкилотлар 47 та касб бўйича ўзларининг 610 та иш ўринлари билан иштирок этишди.

– Ҳозирда биз каби ёшларга давлатимиз томонидан катта эътибор, ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Мен ушбу ярмаркада туман қурилиш корхонасига ишга қабул қилиндим. Ўз меҳнатим билан ушбу ишончни оқлашга ҳаракат қиламан, – деди иштирокчи Анвар Қўчқоров.



– Кўпдан буён касаначилик соҳасига иштиёқим бор эди, эндиликда ўз фаолиятимни "Чиноз текстиль" корхонасида касаначи мақомида давом эттирадиган бўлдим. Бундан беҳад бахтиёрман. Бугун мен қатори кўплаб тенгдошларим ўзлари хоҳлаган соҳага ишга қабул қилиндилар. Бунинг учун мутасадди ташкилотлардан миннатдорман, – деди Наргиза Фозилова қувонч билан.

– Бугун ярмаркада банкимиз томонидан бир қатор ёшларимизга иш ўринлари яратиб бериш билан бирга, кредитлар ҳам ажратилганлигининг ўзи келажагимиз эгалари ҳисобланмиш ёшларга берилаётган ишончнинг бир намунасидир, – деди биз билан суҳбатда "Ҳамкорбанк" ОАТБ Чиноз филиали иш бошқарувчиси Абдукарим Алиқулов.

Дарҳақиқат, бугунги кунда битирувчи ёшлардан 104 нафари олий ўқув юртларига ҳужжат топширган бўлсалар, 590 нафари муқим иш билан таъминландилар. Дастлабки 6 ой давомида корхона ва ташкилотлар томонидан якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 2077 та иш ўрни яратилганлиги бунда асосий омил бўлди.

**Ғайрат МУҲАММЕДОВ,**
**Чиноз туман прокурори.**

СУРАТДА: меҳнат ярмаркасидан лавҳа.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

**2011 йил учун ОБУНА давом этмоқда**
**«Тошкент ҳақиқати» газетаси индекси – 205.**

**«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР**

# ҲУДУДНИ ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ЯХШИЛАНАДИ

**Келес шаҳри "Оқибат" маҳалласи 3-тор кўчасида яшовчи бир гуруҳ аҳолидан таҳририятга келган аризада хонадонларга ичимлик суви келмай қолганлигидан шикоят қилинган эди.**

Таҳририят ушбу хат юзасидан вилоят "Сувоқава" очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси М. Аминов имзоси билан жавоб хати олди. Унда баён этилишича, "Тошвилсувоқава" тасарруфидаги "Келес-Сувоқава" ишлаб чиқариш шўъба корхонаси раҳбари ва мутахассислари бевосита жойига чиқиб, ҳозирги аҳволни ўрганишган.

Келес шаҳри "Оқибат" маҳалласи 3-тор кўчасининг ичимлик суви таъминоти қувури Қибрай туманидаги Қодирия сув кўтариш иншоотидан келувчи асосий d-600 мм. сув қувурига уланган бўлиб, ҳозирги кунда сув кўтариш иншоотида таъмирлаш ишлари олиб борилаётгани сабабли ушбу кўча қувурларига сув бормаяпти. Аҳолини таъминлашда узилиш бўлмаслиги учун вақтинча махсус автомашиналарда ичимлик суви етказиб берилмоқда.

Қодирия сув кўтариш иншоотидаги таъмирлаш ишларини 1 августгача якунлаш режалаштирилган. Таъмирлаш охирига етгач, ҳудудни ичимлик суви билан таъминлаш қайта яхшиланади.

**Паркент:**

# ҚУЁШ ТОҒЛАРНИ ЎПИБ, ЮЗ ОЧАР БУНДА

## *2. Тадбиркор ва ғайратли одамлари кўп ҳудуд юксалаверади*

Туманда енгил саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари кўпайиб бораяпти. 188 та кичик, 31 та саноат корхоналари, 4 минг 290 кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритмоқда.

Улар орасида, Тошкент тўқимачилик комбинатининг бўлими, тикув фабрикаси, "Паркентшароб" ва "Шампан" вино заводлари, ўнлаб пишиқ ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналар бўлиб, улар туман иқтисодиётини шакллантирувчи кучли омиллар ҳисобланади. "Арко стил", "Хуснора плюс юксалиш", "Олмос" каби қатор корхоналар туманнинг саноат салоҳиятини оширишга катта ҳисса қўшмоқда.



Шу йилнинг 6 ойида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 113 фоиз ошди. Халқ истеъмоли учун товарлар 119 фоиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари эса 111 фоизга кўтарилди. Бунда "BERAD-AGRO" корхонасининг ҳиссасини алоҳида эътироф этиш лозим. "BERAD-AGRO" ташкил этилганига салкам ўн йил бўлди. У майизни қайта ишловчи йирик корхоналардан бири. Тайёрлаган маҳсулотининг 70 фоизини Германия, Италия, Франция, Голландия ва Лотин Америкаси давлатларига экспорт қилса, 30 фоизини ички бозорларимизга тарқатади.

– Корхонамизнинг иқтисодий кўрсаткичлари ҳақида гап кетганда, шуни айтиш мумкинки, бизда йилдан-йилга ўсиш бор, – дейди корхона раҳбари Мирраҳим Адилов. – Жумладан, 2007 йилда 127 минг долларлик маҳсулот экспорт қилган бўлсак, 2008 йилда бу кўрсаткич 173, 2010 йилда эса 234 минг долларга етди.

2008 йилда 2,8 миллиард, 2009 йилда 3,7 миллиард, 2010 йилда эса 4,6 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик. Бу йил кўрсаткични янада кўтаришга ҳаракат қилаяпмиз.

Мирраҳим Адиловнинг ўз ишини биладиган, тадбиркор, тажрибали раҳбар эканини пайқадик. Негаки, у энг аввало корхона ишчиларига қулай шарт-шароитлар яратишга, яхши ҳақ тўлаш орқали ходимларининг турмуш фаровонлигини оширишга интилади.

Қолаверса, корхона даромадларидан кам таъминланган оилаларга, тумандаги умумтаълим мактаблари ва мактабгача тарбия муассасаларига ҳомийлик ёрдами кўрсатишни унутмайди.



Ўтган йили раҳбар тумандаги 25, 27-умумтаълим мактаби ҳамда 2 та боғчани таъмирлаш учун 3,4 миллион сўм миқдорида ҳомийлик кўрсатди. Шунингдек, 15 та кам таъминланган оилалар фарзандларига молиявий ёрдам берди. Раҳбар ҳудудни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларида ҳам бош-қош. Корхона жамоаси ўтган йили эккан 783 туп манзарали ва 819 туп мевали дарахтлари аллақачон кўкка бўй чўзиб, атрофга ажиб гўзаллик бахш этмоқда.

"BERAD-AGRO" корхонасида 90 га яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда.

– Техникалар Америка, Англия, Япония каби дунёнинг етакчи давлатларидан келтирилган, – сўзини давом эттирди раҳбар. – Улар ишчилар меҳнатини енгиллаштириб, иш самарасини ошишига имкон бермоқда. Тан олиш керак, агар мустақилликка эришмаганимизда, бундай янгиланишлар бўлмасди. Ҳозир юртимиз тинч, элимиз фаровон, ишлайман деганга, шароит, имконият, имтиёзлар ҳам етарли. Қолгани эса фақат ва фақат ўзимизга боғлиқ.

Раҳбарнинг ўз ишига масъулияти, меҳнатсевар, жонкуярлиги, янгиликка, яхшиликка интилишини кўриб қувонасиз. Шундай инсонлар бор экан, ҳаётимиз тўкин бўлаверади.

"Хуснора плюс юксалиш" туман аҳолисини сифатли нон ва қандолат маҳсулотлари билан таъминлаётган энг яхши корхоналардан. Ташкил этилганига унча кўп бўлмаган, лекин паркентликлар унинг маҳсулотларини хуш кўриб истеъмол қилишади. Корхонада 12 хил бир-биридан мазали пряник, булочка ва бошқа ширинликлар тайёрланади. Унинг раҳбари Мирсобит Қўчқоровга "Мустақиллик нима берди?" дея савол берганимизда "Энг аввало, инсон қадр топди", деб жавоб берди.

– Бундан ташқари, – дейди у, – иқтисодий, ижтимоий, умуман, барча соҳаларда эришаётган ютуқларимиз чексиз. Эҳ-ҳе, тадбиркорлик билан шуғулланиш истаги борларга яратилаётган қулайликларни айтмайсизми? "Микрокредитбанк"нинг туман филиали лизингга Эрондан ускуналар сотиб олишимизда катта ёрдам берди. Натижада, корхонамизнинг ишлаб чиқариш қуввати ошди. Ҳозир ойига 15 тонна қандолат, 60 мингта нон маҳсулотларини тайёрлаяпмиз. Эндиликда, конфет, шоколад ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни режалаштираяпмиз.

**СУРАТЛАРДА:** майизни қайта ишловчи «BERAD-AGRO» корхонасида иш қизғин; «SOLEY TESTIL» корхонаси ишчилари Наргиза Шарофхўжаева, Зилола Абдуллаева, Ҳадиса Юлдашева ва Шоҳсанам Байдаловалар янги маҳсулот сифатини текширишмоқда.

**КОНФЕРЕНЦИЯ**

# БУРЧ, МАСЪУЛИЯТ ВА ВАЗИФАЛАР

**Мустақиллик йилларида мамлакатни янада демократлаштириш ва модернизация қилиш, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги кенг кўламли ишларга гувоҳмиз.**

Юртбошимизнинг "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да бу борадаги саъй-ҳаракатларни янада кучайтириш зарурлиги қайд этилган. Жумладан, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлашда давлат органлари ва жамоат бирлашмалари ахборот хизматлари фаолиятини жонлантириш муҳим вазифа сифатида белгиланди. Шу боис Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ҳамкорлигида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, лойиҳа доирасида "Ўзбекистонда давлат ҳокимиятини ва бошқарув органлари ахборот хизматлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари" мавзусида семинар-тренинг ўтказилди. Унда ижтимоий йўналишдаги республика вазирлик ва идораларининг ахборот хизмати раҳбарлари ва ходимлари иштирок этишди.

Семинар-тренингда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг ошкоралигини, қабул қилинаётган қарорлар ижросини таъминлашда уларнинг масъулиятини ошириш, воқеа-ҳодисалардан кенг жамоатчиликни хабардор этиш, маълумот олиш ва тарқатиш каби қатор масалалар кўриб чиқилди. Шунингдек мутахассисларнинг тегишли маърузалари тингланди ва муҳокама қилинди.

Конференция баҳс ва мунозараларга бой бўлди.

**Ирода МАҚСУД қизи.**

**ҚОНУН ВА ИЖРО**

# ҚОҚИЛСАНГ, ТОШДАН ЎПКАЛАМА!

Асаджон бир хайрли иш бошламоқчи. Қани энди қулай жой, яхши бир бино бўлса-ю, ўша ерда гилам тўқиш цехини очса. Ахир қачонгача уйида гилам тўқиб сотади?

Шунда дўсти Иномжон бир ошнаси ҳақида айтиб қолди. "Кўп йиллардан буён уй-жой олди-сотдиси билан шуғулланади. Қаерда қанақа объект борлигини жуда яхши билади" деди-да, Асаднинг қўлига телефон рақами ёзилган қоғозни тутқазди.

У тавсия қилган йигит билан Асад кўришди. Биргаликда бир неча биноларни кўриб келишди. "Ҳақиқатдан ҳам бу борадаги ишларни яхши тушунар экан", ўйлади Асад. Анҳор бўйидаги қурилиши тугалланмаган бино Асадга маъқул келиб, шу ерни сотиб олишини айтди.

Йигит икки кун ичида керакли ҳужжатларни тўплаб, расмий ишларни-ю, олди-бердини ҳал қилди.

Олти ой деганда қурилишни тугатган Асаджон цехни ишга туширди. Кўплаб одамлар ишли бўлди, сифатли гиламлар ишлаб чиқарила бошланди. Ҳамма хурсанд, раҳбарнинг кайфияти чоғ.

Шундай кунларнинг бирида ўзини Самандар деб таништирган шахс келиб, ушбу бино уники эканлигини айтди ва ҳужжатларни кўрсатди.

Халқимизда "Қоқилсанг, тошдан ўпкалама! деган ибратли нақл бежиз айтилмаган.

Афсуски, Асаджон фирибгарларнинг ноғорасига ўйнаганини кеч тушунди. Ҳозир у бундай ишлар билан шуғулланувчи давлат идораларига мурожаат қилмаганидан, қонунларни биладиган одамлар билан маслаҳатлашмаганидан пушаймон...

Сўнгги йилларда, уй-жой бозорида қаллоблар содда, ишонувчан ҳамюртларимизни лақиллатиб, уларни чув тушириб кетаётгани бу соҳани такомиллаштириш, шу билан бирга аҳолига малакали хизмат кўрсатишни талаб этмоқда. Шу боис ҳукумат томонидан "Риэлторлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

– Риэлторлик фаолияти бу – юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектларига ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимлар тузиш билан боғлиқ хизматларни шартнома асосида кўрсатишга қаратилган тадбиркорлик фаолиятидир, – дейди "Ko'chmas mulk savdo xizmati" масъулияти чекланган жамияти вилоят филиали раҳбари Анвар Юсуфхўжаев. – Ана шу йўналишда тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахс эса риэлтор дейилади. У кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимларни тузиш чоғидаги воситачилик, савдони ташкил этиш, ахборот ва маслаҳат бериш, шу билан бирга кўчмас мулк объектларини ишончли бошқариш каби хизматларни кўрсатади.

Дарҳақиқат, ушбу қонуннинг қабул қилиниши ва мазкур фаолият турининг тўлиқ кучга кириши, олди-сотди ишларида қонун устуворлиги, сифатли хизматни таъминламоқда.

– Биз ўтган қисқа фурсат ичида 10 га яқин фуқарога ўзлари истаган уй-жойларни олишларида яқиндан ёрдам бердик, – гапида давом этди Анвар Юсуфхўжаев. – Жумладан, Ёқутхон Қодировага Қибрай туманидаги "Иссиқхона" иншооти, Муҳаммад Абдурауф ўғлига Ўрта Чирчиқдаги қурилиши тугалланмаган уй-жой биносини қонуний йўл билан расмийлаштирдик. Бундан ташқари, "OPTIMA INVEST" масъулияти чекланган жамиятига Янгийўл туманидаги товуқхона биносини олишга кўмаклашдик. Айтиш мумкинки, аҳоли кўрсатилаётган бу каби ишлардан мамнун. Энди улар йўлдан оғишмай қонун доирасида иш кўрадилар.

**Ирода МАҚСУДОВА.**

**МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА**

# «ИПОТЕКА-БАНК» ТАДБИРКОРЛАРГА КАМАРБАСТА

"Ипотека-банк" Тошкент вилоят филиаллари томонидан 2011 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва Қарорлари, шунингдек, ҳукумат қарорлари ижросини таъминлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 21 январда Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган йиғилишдаги маърузасида банк тизими олдига қўйилган долзарб вазифалар ижроси юзасидан 2011 йилнинг ўтган даври мобайнида сезиларли ишлар амалга оширилди.

Тошкент вилоятида "Ипотека-банк"нинг 6 та филиали ҳамда Тошкент вилоят Амалиёт бошқармаси, жумладан, ушбу филиалларнинг мини банклари ва жамғарма кассалари орқали Тошкент шаҳри ва вилоятнинг 7200 дан ортиқ хўжалик юритувчи субъектларига ва аҳолисига хизмат кўрсатиб келмоқда. Филиаллар томонидан кўрсатилган сифатли ҳамда жозибадор хизматлар самараси ўлароқ, банк филиалларида хизмат кўрсатилувчи мижозлар сони тобора ортиб бормоқда.

"Ипотека-банк" Тошкент вилоят филиалларининг жами активлари қолдиғи 2011 йил 1 январга нисбатан 151,2 млрд. сўмга ёки 32,9 фоизга ўсган бўлиб, 2011 йил 1 июнь ҳолатига 610,5 млрд. сўмни ташкил этди. Банк филиаллари кредит қўйилмалари қолдиғи 19,6 фоизга ёки 56,7 млрд. сўмга ўсиб, 2011 йил 1 июнь ҳолатига 345,7 млрд. сўмни ташкил этди.

Филиаллари томонидан 2011 йил давомида хўжалик юритувчи субъектлар депозитлари ва аҳоли қўлидаги вақтинча бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш орқали банкнинг ресурс базасини кўпайтиришга алоҳида эътибор берилди. Банк мижозлари депозитлари қолдиғи 2011 йил 1 январга нисбатан 126,9 млрд. сўмга ёки 78,8 фоизга ўсиб, депозитлар қолдиғи 287,8 млрд. сўмни, аҳоли омонатлари қолдиғи 2011 йил 1 январга нисбатан 4,2 млрд. сўмга ёки 12,8 фоизга ортган ҳамда омонатлар қолдиғи 37,4 млрд. сўмни ташкил этди. Молия муассасалари томонидан пластик карточкалар орқали амалиётларни амалга ошириш назоратга олиниб, ўтган давр мобайнида қўшимча савдо терминаллари ўрнатилган ҳолда улар сони 1659 тага етказилди. Натижада, 2011 йилда пластик карточкалар орқали 54,5 млрд. сўмлик савдо транзакциялар амалга оширилди. 2011 йилда қўшимча пластик карточкалар муомалага чиқарилиб, улар сони 149,5 минг донага етказилди.

Жорий йил давомида иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш мақсадида 71,9 млрд. сўмлик инвестицион кредитлар ажратилди.

Юртбошимиз томонидан мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётини янги, янада юксак босқичга кўтариш мақсадида 2011 йилни Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилингани муносабати билан банк томонидан кичик бизнес вакилларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар дастури белгиланган. Президентимиз томонидан кичик бизнес вакилларининг иқтисодиётда тутган ўрни борасидаги: "Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодиётимиздаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири, содда қилиб айтганда, бошқа ҳеч бир соҳа ва йўналиш ўрнини босолмайдиган катта аҳамияти билан давлат ва жамиятимиз ривожида алоҳида ўрин эгаллайди", деган сўзлари ўринлидир.

"Ипотека-банк" Тошкент вилоят филиаллари томонидан кичик бизнес вакилларига 2010 йил давомида 28 млрд. сўмдан ортиқ миқдорда кредитлар ажратилган бўлса, жорий йилда кичик бизнес вакилларига камида 40 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилиши режалаштирилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги Президентимиз ва ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида банк филиаллари томонидан ҳозиргача кичик бизнес вакиллари ҳисобланган кичик корхоналар ҳамда хусусий фирмалар, хусусий тадбиркорлар, фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳар томонлама молиявий қўллаб-қувватлаш устувор вазифа сифатида қаралиб, йил давомида кичик бизнес субъектларига 17,1 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилган. Бунинг натижасида ажратилган кредитлар ҳисобидан вилоятда 360 та янги иш ўринлари яратилишига эришилди.

**Жумладан, йил давомида:**

- озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида 1,7 млрд. сўм;
- маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш мақсадида 4,7 млрд. сўм;
- аёл тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 1,1 млрд. сўм;
- сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш мақсадида 1,4 млрд. сўм;
- шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида 60,0 млн. сўм;
- ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида 1,5 млрд. сўм, жумладан, 540 млн. сўм ипотека кредитлари, 670 млн. сўм истеъмол кредитлари ва 266 млн. сўм микрокредитлар;
- 3,3 млрд. сўмлик микрокредитлар ажратилди.

Масалан, "Мунаввар файз" МЧЖга жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-1047-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 январдаги 2-сонли "Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар негизида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш ва ушбу корхоналар ишчи-ходимларининг арзонлаштирилган нархда ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таьминлаш ва истеъмол бозорларидаги нархларнинг барқарорлигини сақлаш учун корхоналар негизида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни ташкил этиш" бўйича ўтказилган йиғилиш баёни ижросини таьминлаш мақсадида паррандалар ва паррандалар учун витаминлар ҳамда вакциналар сотиб олиш мақсадида 3 йил муддатга 160,0 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди. Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 317,0 млн. сўмни ташкил этиб, кредит ҳисобидан 45,0 минг бош жўжалар ҳамда 5,0 тонна витамин ва вакциналар олинган. Ушбу кредитнинг ажратилиши натижасида 15 та янги иш ўринлари яратилишига эришилди. Ушбу кредитнинг ажратилиши ҳисобига вилоят аҳолиси сифатли товуқ тухуми ва гўшти билан таъминланмоқда.

Банк томонидан жорий йилда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурида кўрсатилган барча кўрсаткичлар ва олдимизга қўйилган вазифалар бажарилиши бўйича, шунингдек, Тошкент вилоят аҳолиси, ташкилот ва муассасаларига сифатли банк хизматларини кўрсатиш бўйича барча зарурий чораларни кўрмоқда.

**Дилшод ҲАМИДОВ.**

**СОҒЛОМ ОНА – СОҒЛОМ БОЛА**

**Мамлакатимизда фарзандларимизнинг соғлом вояга етишларини таъминлашга қаратилган аниқ ва мақсадли дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Зеро, соғлом бола туғилиши, жисмонан ва маънан баркамол авлодни вояга етказиш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича олиб борилаётган хайрли ишлар бунинг тасдиғидир.**

# КЕЛАЖАК ВОРИСЛАРИ – ЮРТ ИҚБОЛИ

Ўтган йили Вазирлар Маҳкамасининг "Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди.

Қарор ижроси ўлароқ, Зангиота туманидаги Ҳасанбой қишлоқ врачлик пунктида ҳомиладор аёлларни қувватлантирувчи поливитамин комплекслари бепул тарқатилмоқда.

– Поливитаминлар таркибида фолий кислота, бола яхши ўсишини таъминловчи 11 хил витаминлар тўплами ҳамда 7 хил микроэлементлар бор, – дейди гинеколог Дилдора Ёдгорова. – Бу эса ҳомиладорликнинг асоратларсиз кечишини, шу билан бирга нуқсонли ҳомила ривожланишининг олдини олади. Ушбу препаратни ҳомиланинг 12 ҳафталик давридан бошлаб, 60 кун ичиш лозим. Орада икки ойлик танаффус қилинади ва жараён давом эттирилади. Витаминларни мунтазам равишда қабул қилган ҳомиладор аёллар ўз саломатликларини тиклаш билан бирга соғлом болани дунёга келтирадилар.

Юртимизда олиб борилаётган бу каби ишлар эртамиз эгаларининг баркамол бўлиб вояга етишларини таъминлаши шубҳасиз. Зеро, фарзандлари соғлом юртнинг келажаги буюк бўлади.

**Илмира НОРОВА.**

**ОДАМ САВДОСИ**

# ИЛЛАТНИНГ ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?

**Инсоннинг энг азиз ва эзгу туйғулари мавж урадиган бахтли онлари бошланадиган қутлуғ даргоҳда фаолият олиб боришнинг завқию масъулияти ҳамиша зийраклик, сергакликка ундайди.**

Катта ҳаёт сари илк қадам қўяётган бахтли ёшлару ёруғ олам кароматларидан масрур гўдакларнинг гувоҳномалари баъзида эса ўз бахтига болта ураётган, гўдакларининг отасиз, онасиз ўсишига сабабчи бўлаётган ношуд кимсаларга ажрим қоғози ёзишдек нохуш ҳолатларга ҳам гувоҳ бўлиш касбимиз тақозоси. Шундай кезларда бахтнинг калитию иллатнинг илдизи Оила аталмиш муқаддас қўрғондан бошланишига амин бўлар экансиз.

– Тўйдан кейин эрим пул ишлаб келаман деб чет элга кетиб қолди, – дейди ёшгина келинчак. – Бироз вақт телефонлашиб, хабарлашиб турдик, кейин домдараксиз кетди. Суриштирсак, фирибгарларнинг қўлига тушиб, сотиб юборилган экан. Орадан икки йил ўтиб, бир аҳволда аранг қайтиб келди. Ҳеч вақосиз, устига устак бедаво дардга чалиниб қолган. У билан яшай олмайман. Ажрашмоқчиман...

Бир қарашда келинчак ўзича ҳақ. Дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган хавфли касаллик ОИТС ҳар қандай оиланинг кушандаси. Лекин бундай ҳолга ким сабабчи? Керагидан ортиқ дабдабаю асасаларга ўч, димоғдор оиланинг қизими ё бирор ишнинг бошидан тутмаган, оилада етарли таълим-тарбия ололмаган ношуд эрми?

Бу саволларга жавоб топиш учун бир қанча манбаларни излаб топиш, ўқиш жараёнида шунга гувоҳ бўлдимки, дунёда одам савдосидан жабр кўрганлар салкам 200 миллионга етиб қолган. Ҳар йили 2,5-3 миллион киши одам савдосининг қурбонига айланмоқда. Бундай нохуш ҳолатлар бизнинг мамлакатимизда ҳам учраётгани "ўзимизга эҳтиёт бўлишимиз"ни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда бу иллатга қарши кескин чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан, Миллий режага кўра ҳар бир жамоат ташкилоти, ҳар бир инсон одам савдосига қарши курашишда фаол иштирок этиши лозим.

Бугунги кунда товламачилар тузоғига тушган ва тақдирларига лаънатлар ўқиган, алданиб қолган жабрдийдаларнинг кўпчилигини воситачилар, тўғрироғи одам савдогарлари четга чиқариб кетганлар. Жабрланувчиларнинг ихтиёрий ёки мажбурий чиқиб кетганлигини аниқлаш учун ўзини-ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар, керак бўлса, ҳар бир хонадон билан учрашувлар ўтказиш лозим.

Тўғри, ҳозирги пайтда одам савдосидан жабр кўрганлар ҳам, уларни турли ноқонуний йўллар билан четга чиқариб юбораётган, бу ҳунарни бизнесга айлантириб олганлар ҳам давлат ва жамоатчилик назоратида. Моддий ва маънавий зарарлар ундириб берилаётгани ҳам бор гап. Лекин бу саъй-ҳаракатлар осонликча амалга оширилмаяпти. Эркин жамиятимизга, обод диёримизга ярашмайдиган иллат – "одам савдоси"дек касофатнинг олдини олишга, такрор таъкидлаш лозим, ўзимиз, ҳар биримиз бурчлимиз.

**Дилнавозхон БЕКМАТОВА,**
**Оҳангарон туман 1-ФХДЁ бўлими мудири.**

Донишмандлардан бири шундай дейди:

*Ким меҳнат-ла қадам*
*қўйди тоғ-чўлга*
*Хазина калитин*
*киритур қўлга.*

Ўйлаб қарасак, бу ҳикмат гўё паркентликлар ҳақида айтилгандек.

# Паркент:

# ҚУЁШ ТОҒЛАРНИ ЎПИБ, ЮЗ ОЧАР БУНДА

## *3. Ҳар орзунинг рўёби – меҳнат билан, интилиш билан*

Ўтмишда Паркент ва унинг атрофи ўтлоқ, қалин бутазор, паст бўйли дарахтларга тўлган ўрмонзорлар билан қопланган экан. Ўтроқ аҳоли ушбу тўқайларни чангалзорлардан тозалаб, деҳқончилик қила бошлашган. Буни қарангки, қўли гул, ҳалол меҳнат қилиб яшаётган халқнинг саъй-ҳаракатлари билан баланд-паст ерлар, қир-адирлар обод бўлди. Шу сабабли, уларнинг қоринлари тўқ, устилари бут. Дастурхонлари доим нозу неъматларга тўла.



Замон билан ҳамнафас, янгиликка интилиб яшовчи туман аҳли тиниб-тинчимайди. Қишлоқларни айланар эканмиз, йўл четига худди ипга терилгандек, қатор-қатор дарахтлар экилган боғлар эътиборимизни тортди. Янги интенсив – пакана ва ярим пакана боғлар бу.

Хуллас, боғ эгалари билан суҳбатлашишни истадик.

– 24 гектар ерда деҳқончилик қиламан, шундан 14 гектари боғ, – дейди "Боғбон" фермер хўжалиги раҳбари Акбар Орипов. – Бу йил фермерларга яратилаётган имкониятдан фойдаланиб, интенсив боғ яратишга қўл урдик. Мана шу сиз кўриб турган боғлар меники. Бу ерга 200 тупдан зиёд Сербиядан келтирилган олма кўчатларини экдим. Вақтида сув, керакли ўғитлар бериб, ёввойи ўтлар кўпайишига йўл қўймасак, гуркираб ривожланиши, яхши ҳосил бериши тайин.

Айтиш жоизки, туманда "Боғбон" фермер хўжалигидан ташқари боғдорчилик билан шуғулланувчи яна 738 хўжалик бор. Улар орасида "Номданак Номонов Зуҳриддин", "Абдувоҳидов Абдуҳамид", "Феруз" "Ҳаким ота Қорақалпоқ" каби хўжаликлар айнан интенсив боғлар яратган. Ушбу боғларда минглаб олма, гилос, шафтоли, нок каби мевали дарахтлар парвариш қилинмоқда. Улар яқин келажакда нафақат туман, балки вилоятимиз деҳқон бозорлари расталарини тўлдириши шубҳасиз.

Туманда юрти учун жон куйдирадиган одамлар кўп. Уларнинг меҳнати, хизмати доим эътиборда. Тоҳир Файзиев, Хурсандали Тўлаганов, Мавлон Ҳожиев, Ўктам Ўтанбоев, Манзирбой Сарбоевлар ана шундай жонкуярлардан. Ватан тараққиёти йўлидаги машаққатли меҳнатлари муносиб баҳоланиб, улар нуфузли мукофот – "Шуҳрат" медали билан тақдирландилар.

Тумандаги боғлар ўз йўлига, Мустақиллигимизнинг 20 йиллик тўйи арафасида ишга тушишга шай қатор иншоотлар, мажмуаларни бир кўринг. Уларнинг иш бошлаши юзлаб одамлар бандлигини таъминлайди. Қолаверса, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш яхшиланади. Зеро, сентябрь ойида ишлаб чиқариш соҳасида "Анушервон Одил", "Умид Лада Асл ғишт", "Гулбоғ омад барака" каби ғишт корхоналари, "Бойқозон Парранда бизнес", "Паркент Голд Чиккен" товуқ фермалари ишга тушиши режалаштирилган.

Бундан ташқари, хизмат кўрсатиш ва сервисни янада яхшилаш мақсадида, "Паркент сифат савдо", "Гўзаллик Қасри", "Паркент Само" сингари озиқ-овқат, қурилиш моллари савдо шахобчалари ва тўйхона ўз фаолиятини бошлайди.

Шунингдек, транспорт ва коммуникация соҳасида талай ишлар бажарилмоқда. Жумладан, 5 километрлик ички хўжалик йўллари текисланди. Жами 20 километр масофага ичимлик суви ва табиий газ тармоқлари тортилди. Маънавият-маданиятга қаратилаётган юксак эътибор самараси ўлароқ, 150 ўринга мўлжалланган янги мусиқа мактаби болажонларни бағрига олишга шай. Қолаверса, 32 та намунавий уй-жойлар ҳам ўз эгаларини кутмоқда.



**СУРАТЛАРДА:**
Паркент боғлари мана шундай гўзал қиёфага эга;
«Заркент саховати» фермер хўжалиги раҳбари Норхол Деҳқонов 5 гектар ерда узумзор, яна шунчасида боғ яратди.

## Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан 05.04.2011 йилдаги № 10694-95-сон ижро ҳужжатига асосан, Трастбанк Тошкент филиали биноси ҳовлиси, яъни Тошкент шаҳри, Халқлар Дўстлиги кўчаси,11-А уйда сақланаётган 2008 йилда и/ч., дав.бел. 01 061 САА бўлган "Лада 21074-110-30" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 13 500 000 сўм.

Аукцион савдолари 2011 йилнинг 8 сентябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Автотранспорт воситалари сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2011 йилнинг 29 сентябрь куни бўлиб ўтади.

2011 йил 18 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий очиқ аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилмоқда: Зангиота тумани СИБ томонидан МЧЖ "Кўктерак Матлубот инвест", МЧЖ "Бурхон савдо", "Саидумар Абдуллаев" омборхоналарида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 14.01.2010 йилдаги № 5-28/2010-сон ижро варақасига асосан, и/ч. йили номаълум, дав.бел. 30 А 6952 бўлган "Газ-22" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 762 428 сўм. 2. 09.06.2010 йил. № 6749-сон ижро ҳужжат. асосан, 1990 йилда и.чиқ., дав. бел. 11 L 6283 бўлган "ИЖ-21251010" русум. автотранспорт воситаси, бош. нархи – 955 183 сўм. 3. 09.07.2010 йил. № 7332-сон ижро ҳужжат. асосан, 2000 йилда и.чиқ., дав.бел. 11 B 6234 бўлган "Газ-3110" русум. автотранспорт воситаси, бош. нархи – 4 945 204 сўм. 4. 15.06.2010 йил № 6843-сон ижро ҳужжат. асосан, 1976 йилда и.чиқ., дав. бел. 01 Q 068 CA бўлган "Ваз-2106" русум. автотранспорт воситаси, бош. нархи – 2 181 299 сўм. 5. 02.07.2010 йил № 7340-сон ижро ҳужжат. асосан, 1978 йилда и.чиқ., дав.-бел. 11 Y 0567 бўлган "Ваз-21011" русум. автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 892 214 сўм. 6. 12.03.2010 йилдаги № 5-166-сон ижро варақасига асосан, 1974 йилда и.чиқ., дав.бел. 11 U 08-03 бўлган "Газ-24" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 537 346 сўм. 7. 04.11.2009 йилдаги № 1-362-сон ижро варақасига асосан, 1990 йилда и/ч., дав.бел. X 269 ASN бўлган "КАМАЗ 5410" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 17 013 493 сўм. 8. 12.08.2010 йилдаги № 8559-сон ижро ҳужжатига асосан, 1976 йилда и/ч., дав. бел. 10 T 3707 бўлган "М-412" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 699 682 сўм. 9. 19.07.2010 йилдаги № 7440-сон ижро ҳужжатига асосан, и/ч. йили ва давлат рақами номаълум бўлган "Урал-М-6736" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 116 640 сўм. 10.02.2011 йилдаги № 863-сон ижро ҳужжат. асосан, 2004 йилда и/ч., дав. бел. 10 U 627 AA бўлган "Нексия" русумли автотр. воситаси, бош. нархи – 11 571 300 сўм. 11. 12.08.2010 йилдаги № 8563-сон ижро ҳужжатига асосан, и/ч. йили номаълум, дав.бел. 11 M 0058 бўлган "Камаз 53212" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 19 649 336 сўм. 12. 18.07.2010 йилдаги № 7364-сон ижро ҳужжатига асосан, 1973 йилда и/ч., дав.бел. 11 O 11-85 бўлган "М-412" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 724 405 сўм. 13. 18.08.2010 йилдаги № 8676-сон ижро ҳужжатига асосан, и/ч. йили номаълум, дав.бел. 10 D 7845 бўлган "Уаз-452" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 104 124 сўм. 14. 18.08.2010 йилдаги № 2316-сон ижро ҳужжатига асосан, и/ч. йили ва дав.бел. номаълум бўлган "Уаз-469" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 477 127 сўм. 15. 15.03.2010 йилдаги № 1397-сон ижро варақасига асосан, 1972 йилда и/ч., дав.бел. 11 Q 01-62 бўлган "ГАЗ-24" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 575 261 сўм. 16. 18.08.2010 йилдаги № 8656-сон ижро ҳужжатига асосан, 1981 йилда и/ч., дав.бел. 10 H 924 AA бўлган "УАЗ-452 В" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 022 463 сўм.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ "Ипотека банк"нинг Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206852268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: DB 001 № 000003.

**СПОРТДА ОММАВИЙЛИК**

# ТУМАН БОСҚИЧИ ЯКУНЛАНДИ

**Сумча қишлоғидаги "Бойчечак" болалар соғломлаштириш оромгоҳида агросаноат мажмуи, таълим ва фан ҳамда савдо, тадбиркорлик ва енгил саноат ходимлари касаба уюшмалари Паркент тумани ташкилотлари вакиллари ўртасида "Саломатлик" спартакиадаси ўтказилди. Иштирокчилар волейбол, стол тенниси, шахмат ва шашка бўйича куч синашдилар.**

Кескин ва муросасиз курашларга бой кечган волейбол беллашувларида биринчи ўринни агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вакиллари – Чанги қишлоғи спортчилари, 2- ва 3-ўринларни "Паркент ҳамкорсавдо" ҳамда савдо, тадбиркорлик ва енгил саноат ходимлари касаба уюшмаси туман ташкилотининг терма жамоалари эгаллади.

Стол тенниси бўйича мусобақалар якунида шоҳсупанинг биринчи ва иккинчи поғоналарига таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси аъзолари Дилфуза Эркабоева ҳамда Зулайҳо Агатановалар кўтарилишди. Учинчи ўрин АСМ ходимлари касаба уюшмаси аъзоси Муаттар Мухановага насиб этди. Эркаклар ўртасидаги мусобақаларда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасидан Насиббой Тилолов, савдо, тадбиркорлар ва енгил саноат ходимлари касаба уюшмаси аъзолари Дилшод Исломов ва Абдулазиз Жўраев сингари ғолиблар кетма-кетликдан жой эгаллади.

Шахмат бўйича аёллар ўртасида Маъмура Маъсудова (таълим ва фан), Дилфуза Йўлдошева (АСМ ходимлари), Насиба Раҳмонбердиева (АСМ ходимлари) кучли учликни банд этишди.

Эркаклар гуруҳида эса Эркин Серкабоев (таълим ва фан), Толиб Турсунов (таълим ва фан) ва Жамшид Толипов (савдо, тадбиркорлик ва енгил саноатдан) ғолиблар сафидан ўрин эгаллади.

Шашка мусобақасида аёллардан (АСМ ходимлари), Шоҳиста Раҳимбердиева, Заҳро Имомова ва Чарос Парпиева, эркаклар ўртасида Насиббой Тилолов (таълим ва фан), Дилшод Исломов (савдо, тадбиркорлар ва енгил саноат) ва Абдулазиз Жўраев (таълим ва фан) ғалаба нашидасини суришди.

Ҳаяжонли ва тенг курашларга бой бўлган мусобақаларда умумжамоа ҳисобида биринчи ўринга туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши, иккинчи ўринга савдо, тадбиркорлар ва енгил саноат ходимлари касаба уюшмаси вакиллари ҳамда учинчи ўринга таълим ва фан ходимлари жамоалари лойиқ топилди.

Тадбир сўнгида ғолиб ва совриндорлар ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совға ва дипломлари билан тақдирланди.

**Жабборали ЖЎРАЕВ.**

КРЕДИТНЫЙ СОЮЗ **TEZKOR KREDIT**

**объявляет**
**о внеочередном собрании членов кредитного союза**

**повестка дня: ликвидация кредитного союза**

**собрание проводится 16 августа 2011 года в 10.00**

**по адресу: г.Ташкент ул М.Улугбека, 2 дом культуры «Ташсельмаш».**

**Тел. для справок: 267-65-00, 267-54-69**

**XXI аср ва ДУНЁ**

### *ЎТТИЗ ЙИЛЛИК ҚАМОҚ КУТМОҚДА*

**Италиянинг "Lega Nord" партиясидан Европарламентга аъзо бўлган Марко Боргецио норвегиялик террорчи Андерс Брейвикнинг бир қатор ғояларини "аъло" даражада баҳолади.**

BBC News Боргециoнинг Италия радиостанцияларидан бирига берган интервьюсига ишора қилиб ёзишича, европарламентчи Брейвикнинг зўравонлик ишлатганини қоралайди. Бироқ, унинг исломга қарши нуқтаи назарини ҳамда Европа минтақани исломлаштиришга қарши курашни бой бергани ҳақидаги фикрини маъқуллаган.

Бундай баённомани Италия мухолифатчилари ҳам, Боргециoнинг Европарламентдаги сафдошлари ҳам қораладилар. Жумладан, улар Боргециoнинг сўзларини ножўя деб баҳоладилар.

Брейвикнинг 76 кишининг ҳаётига зомин бўлган қўпорувчилик хатти-ҳаракатлари хусусида English Defence League (EDL) агентлиги вакиллари ҳам ачиниш билдирдилар. Хусусан, ҳаракат етакчиси Стивен Леннон Брейвик содир этган кўш кўпорувчилик Европани уйғотишга қаратилган ишора деб айтди. Агар Европада исломлаштириш муаммосига жиддийроқ эътибор қаратилганида Брейвик сингари зўравонлар пайдо бўлишининг олди олинарди, деди у.

Андерс Брейвик 22 июль куни Норвегия пойтахти яқинидаги Утойя оролида мамлакат Ишчи партияси лагерига ҳужум чоғида ҳибсга олинди. Бундан икки соат олдин террорчи Ослодаги ҳукумат даҳасида уюштирган портлаш оқибатида 8 киши қурбон бўлган эди.

Агар Брейвикнинг айбдорлиги исботланса, 21 йилдан 30 йилгача бўлган муддатга қамоқ жазоси тайинланиши мумкин.

### *ҲАЛОКАТ САБАБИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНАЯПТИ*

**"Asian Airlines" компаниясига қарашли "Боинг - 747-400" юк самолётининг 28 июль куни Жанубий Корея қирғоқлари яқинида ҳалокатга учрашига бортда юз берган ёнғин сабаб бўлганлиги эҳтимоли бор.**

"Ренхеп" шу ҳақда хабар тарқатди. Авиакомпания вакилларининг айтишича, самолёт бортида одатдаги юклардан ташқари тез аланга олувчи материаллар ҳам бўлган.

Боинг Жанубий Кореядан Шанхай сари парвоз қилганидан сўнг тахминан бир соат ўтгач, радардан йўқолган. Орадан бир ярим соат ўтгач, унинг синиқлари топилди. Иккала учувчи ҳалок бўлган.

Ҳалокат содир бўлиш арафасида учувчилар механик носозликлар сабабли Чежу оролига мажбуран қўнмоқчи эканликларини диспетчерларга маълум қилишган, бироқ улгуришолмаган.

**НИГОҲ**

# НАҲОТКИ СЎНГГИ ЧОРА ШУ БЎЛСА?

## Ўз жонига қасд қилиш Тожикистонда қалашиб ётган муаммоларни ҳал этишнинг энг осон йўлига айланиб қолди

Бугунги кунда Тожикистон раҳбарлари турли-туман халқаро лойиҳаларни кўз-кўз қилиш, жар солиш билан бандлар. Вазият шундайки, бизнинг раҳбарларимизни қизиқтирмайдиган масаланинг ўзи йўқ. Фақат ўз халқининг оғир шароити, турмуш қийинчиликлари бундан мустасно.

Бу орада мамлакатга яна бир хунук бало ёпишди. Ўз жонига қасд қилувчилар тобора кўпайиб кетаяпти. Тожикистон раҳбарлари бу даҳшатли фалокатнинг олдини олишга зудлик билан киришмасалар бўлмайди.

Минессоти адвокатлар коллегиясининг фикрича, кейинги икки ўн йиллик давомида мамлакат аҳолиси бошдан кечираётган ўз ҳаётидан қониқмаслик кайфияти ва мутлақо иложсизлик кексаю ёшни бирдек, жонига қасд қилишга, ўзини ўлдиришга мажбур қилмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий аҳволнинг ёмонлашуви, ишсизликнинг ўсиб бориши оқибатида бу бебаҳо ҳаётнинг оғир ташвишларидан тўйиб кетган фуқаролар фақат шахсий ҳаётларига нуқта қўйишдан бўлак чора тополмаяптилар. Йўқчиликдан ҳориб, силласи қуриган Тожикистон фуқаролари муаммолар ечимини тополмай, ниҳоят, ўз ҳаётлари билан ҳисоб-китоб қилиб қўя қолмоқдалар.

Вазият жуда ташвишли, қайғули. Ўтган йили фақат Сўғд вилоятининг ўзида 273 фуқаро ўз жонига қасд қилди. Бу йил ҳам аҳвол яхши эмас. Шу вилоятнинг Шаҳристон туманида 17 эркак ва 10 аёл – 27 фуқаро йўқчиликдан қийналгандан кўра ўлимни афзал билди.

Муаммонинг ўткирлиги шундаки, жонларидан тўйиб, ҳаётдан безаётганларнинг асосий қисми ҳали 30 дан ошмаган ёшлар. Шу ўринда ғарб экспертлари аниқлаган маълумотларни келтириш жоиз. Уларнинг баён этишларига қараганда, Тожикистонда ўз жонига қасд қилишга мойилларнинг 70 фоизи 18 дан 40 ёшгача бўлган фуқаролардир.

Маҳаллий ҳуқуқни муҳофаза қилувчиларнинг гапларига кўра, Тожикистонда 5 миллион киши ёки умумий аҳолининг 70 фоизи камбағаллик даражасидан қуйи шароитда яшамоқда. Табиийки, ўз жонига қасд қилишнинг кучайиб бораётгани мамлакатда ишсизлар тобора кўпаяётгани билан бевосита боғлиқ. Зеро, ишсизлик камбағалликни кучайтирувчи асосий омилдир.

Дарвоқе, ўзларини ўлдиришга жазм этган уч эркак хусусидаги воқеа эътиборга лойиқ. Уларнинг бундай йўл тутишларига Шаҳристон туман банки ходимлари тиқиштирган битим сабаб бўлди. Аниқланишича, бу хунук воқеа банк берган кредит, тўғрироғи банк ходимлари қўйган ноқонуний шартлар туфайли юз берган. Битимнинг моҳияти шундаки, бу уч ёш йигитларга кредит пуллари эвазига ўз оилалари билан яшаб турган уйларини гаровга қўйишни тавсия қилганлар. Орадан вақт ўтиб, кредитни қайтариш муддати етган. Бироқ, йигитлар қарзларини муддатида қайтара олмаганлар. Банкда эса, уларга гаровга қўйилган уйлар давлат ҳисобига ўтишини маълум қилганлар. Чорасиз қолган йигитлар сўнгги имкониятни қўллашга мажбур бўлганлар.

Кейинчалик Шаҳристон туман прокуратураси банк ходимининг ноқонуний иши юзасидан жиноят иши қўзғатди. Гап шундаки, мамлакатда амал қилаётган қонунчиликка мувофиқ, берилган кредит учун мижознинг уйи ва тураржой майдонини гаровга олиш қатъиян тақиқланади.

Аммо орадан бироз вақт ўтказиб, яъни очилган жиноят ишини бироз эскитиб, уни секин-аста "унутишди". Маълум бўлишича, ноқонуний битимни ўйлаб топган банк ходими Тожикистон ички ишлар вазири А. Қаҳҳоровнинг узоқ қариндоши экан.

P.S. Қанчалик ажабланарли бўлмасин, республиканинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳам ўз жонига қасд қилиш ҳолларидан ҳоли эмас. Шу йил март ойида Душанбе шаҳар ички ишлар бўлими ходими, милиция капитани Парвез Муроджонов ўзини ўзи ўлдирди. У Шоҳмансур кичик туманидаги шахсий уйида ўз номида рўйхатда турадиган қурол билан ўзини отиб ташлади.

**Исмонкул ҒАФФОРОВ.**
**www.centrasia.ru**

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Утерянную круглую печать и угловой штамп ЧФ "SAYORAXON" (ИНН 203013782), зарегистрированного отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Ахангаранского района Ташкентской области по адресу: Корахтой кфй, С.Тут, выданный разрешительным отделом Ахангаранского РОВД,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.**

ООО "RANIF" (ИНН 201924196) Алмазарского района г. Ташкента сообщает о преобразовании в ЧП "RANIF".

Утерянный диплом за № 060783 (рег. № 00123), выданный в 2004 году Шайхонтохур Саноат касб-хунар колледжом на имя Мирзахмедова Абдукодира Абдурахмановича,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Тошкент шаҳар, Сергели тумани ҳокимияти томонидан 2011 йилда хусусий тадбиркор Казакбаева Гузаль Юсупбаевна номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳри, Ҳамза туманидаги 227-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2011 йилда Хайруллаев Абдулазиз Сайфулла ўғли номига берилган U № 5195707 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ЧП "SOCKS-IMPEX" (ИНН 300925651) сообщает о реорганизации в ООО "SIMEX PROGRESS".

Претензии принимаются по адресу: г. Ташкент, ул. Мустакиллик, 68.

Частное предприятие "BATAL TEX PLUS" (ЧП "BATAL TEX PLUS"), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Юнусабадского района г. Ташкента за № 002439 от 29.01.2009г., расположенное по адресу: г. Ташкент, Юнусабадский район, ул. Навои Ц-14, д. 13 кв. 2, (ИНН 300485060, ОКПО 22011582), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (согласно решения учредителя № 1 от 26.07.2011г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования указанного объявления.

